

УДК62-758.364:67

ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИДА ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ

талаба С.Р.Нуркулов., доц. О.М.Йўлдошева., т.ф.д. Н.З.Камалов
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Мақолада пахта тозалаш корхоналарида ёнгинлар ва уларнинг ўзига хослиги келтирилган. Шунингдек, корхоналарда ёнгинларни олдини олиш ва уларни бартараф этиши усуслари бўйича режсалар келтирилган.

В статье приведены пожары в хлопкоочистительной промышленности и их своеобразность. А также, профилактика пожаров на производстве, приведены планы и методы их устранения.

In article the fires are given in the cotton-processing industry and their originality. And also, prevention of the fires on production plans and methods of their elimination are provided.

Пахта тозалаш корхоналарининг ўзига хослиги шундан иборатки, уларнинг кўпгина цехларида, айникса джин-линтер цехларида ва пресслаш цехларида ёнувчан чанг ва момик кўплаб ажралиб чиқиб, машина ва аппаратлар, қурилиш конструкциялари ва коммуникациялар устида ўтириб қолади. Шунингдек, пахта ва пахта чиқитлари, момик, мойлаш маҳсулотлари, чиқитлар тўплайдиган идишлар, ташиб учун мўлжалланган аравачалар ҳисобланади. Ёнгин пайтида булар орқали аланга жуда тез тарқалади ва хоналарнинг тутунга тўлишига олиб келади.

Аланганинг ўртacha тарқалиш тезлиги пахта тозалаш корхоналарида 0,75-0,95 м/мин бўлса; чанг ва момик юзаларга тўпланиб қолган ҳолларда 1-2 м/мин ни ташкил этади. Титилаётган толали материаллар бўйлаб аланганинг тарқалиш тезлиги яна ҳам юқори, яъни 7-8 м/мин. Тажрибаларнинг кўрсатишича, пахта тозалаш корхоналари цехларида аланга майдонининг тарқалиш тезлиги 8-12 м²/мин ни ташкил этади.

Пахта тозалаш корхоналаридаги ёнгинларнинг характерли хусусиятларидан яна бири шундаки, ёнгиннинг бошланишида ҳарорат тез кўтарилади ва қуюқ тутун ажралиб чиқади. Ана шу ҳароратнинг тез кўтарилиши ва қуюқ тутун, корхона ишчилари томонидан ёнгиннинг бошланғич даврида ўчириш имконини бермайди. Ёниш вақтида ажралиб чиқаётган тутуннинг таркибий қисмини “нормал газ” деб аталувчи (кислород, азот, карбонат гази, сув буглари ва углерод оксиди) моддалар ташкил этади. Ёнгинларда ҳавода кескин кислород ютиши содир бўлиб, кислород микдори камайиши кузатилади. Кислород етишмаслиги натижасида инсон жисмонан бу ўзгаришларни сезмайди ва керакли чораларни кўра олмайди. Маҳсулотларни ёниши натижасида ажралиб чиқадиган углерод оксидининг захарловчи омили унинг қон гемоглабини билан бирикib карбоксигемоглобин ҳосил қилишидир. Бу ҳолатда киши организмida кислород етишмаслиги юзага келади. Нафас олинаётган аралашма таркибидаги углерод оксиidi 0,1%дан ошса, инсонни ўзини ёмон ҳис қилиши бошланади. Ҳаво таркибида 0,5% углерод оксиidi сакланиб ва инсон бу ҳаводан нафас олса, 20-30 дақикада, агар 1% бўлса 1-2 дақикада инсонни ўлимга олиб келади. Тўзитилган пахта чиқиндисини тажриба орқали ёниши ўрганилганда шахтадаги газларнинг концентрацияси; азот 78,9%, кислород 19%, ис гази 1,7% ва углерод оксиidi 0,4%ни ташкил этган.

Пахта ёнувчи толасимон енгил аланганланувчан материал (модда) ёндириш манбаидан узок вақт чўғланиб ёниш хоссасига эга ва бунда ёниш натижасида ҳосил бўладиган газсимон моддаларни ўзига ютади. Алангаланиш ҳарорати 210⁰ С, ўз-ўзидан ёниш ҳарорати 407⁰ С, ўз-ўзидан қизиш ҳарорати 60⁰ С.

Пахта чангланишининг ҳаводаги микдори 44-90 г/м³ бўлганда портловчан мухит, чанг микдори 395 г/м³ бўлганда портлашнинг чангдаги ҳосил бўладиган максимал босим

630 кПа га тенг бўлади. Босим ошишининг тезлиги 12,9-17,5 МПа/с, минимал ёндириш энергияси 25 мДж.

Пахта азот ва сульфат кислотаси ҳамда оксидловчилар билан таъсирланганда ўз-ўзидан ёнишга лаёқатлидир. Пахтага теккан ўсимлик ёғлари енгил оксидланади ва уни ўз-ўзидан аланталанишига олиб келади.

Омборхоналардаги прессланиб той ҳолатига келтирилган ва штабел усулида тахланган пахталар ёнганда 5-7 дақика ичидаги олов биринчи бўлиб штабелларни устки юза қисмини камраб олади, сўнг аста-секинлик билан ички қисмига кириб боради. Бунинг натижасида тўлиқ ёниш юз бермаганлиги туфайли катта микдорда заҳарли тутун ажралиб чиқади. Пахта тойининг тўлиқ ёнмаслиги унинг ичига ҳаво кирмаслиги туфайли содир бўлади ва бундай холда ёниш бир неча соатлаб, хатто кунлаб давом этиши мумкин. Ёниб бўлган пахтадан кулранг енгил сочилиб кетувчи кул қолади.

Ёнгинни ўчириш бўйича самарали тадбирлар зудлик билан амалга оширилмаса, ёнгин тезда ривожланиб, катталашиб кетади. Бундай нохуш вазиятларни юзага келмаслиги учун пахта тозалаш корхоналарида ёнгинни олдини олиш ва уларни бартараф этиш учун “Ёнгин хавфсизлиги асослари” бўйича қабул килинган барча қарорлар бажарилиши назоратга олиниши талаб этилади. Бундан ташқари пресс машиналарида той ҳолатига келтираётган пахталарни ўрашда оловбардош матолардан фойдаланиш тавсия этилади.

Илмий тадқикод натижалари шуни кўрсатади-ки, оловбардош матолар сифатида тавсия этилган тўқимачилик материаллари вакт ўтиши билан ўз хусусиятларини ўзгартиради, яъни ёнгин пайдо бўлганда матонинг ёниши кузатилади. Бунинг асосий сабаби, антипренларни мато ичига тўлиқ кирмаслигидандир, шунингдек тавсия этилаётган антипренларни тўқимачилик материалларига оловга бардошлигини ошириш бўйича усулларни ўрганилмаганлиги ҳисобланади.

Матонинг оловбардошлик хусусиятларини узайтириш мақсадида, бир неча усул бўйича тадқикот ўтказиш мақсадида қуйидаги тартибда изланиш олиб борилиши кераклигини кўрсатади.

Оловбардош материал сифатида тавсия этилаётган матога шимдирилган компонент таркиби табиий махсулотлардан тайёрланиши керак.

Олинган моддаларни матога шимдирилганда улардан ажралиб чиқаётган заҳарли газлар таркиби албаттa ўрганилиб, заҳарли тутунни камайтириш бўйича изланишлар олиб борилиши керак.

Амалда фойдаланилаётган оловбардош материалларни вакт ўтиши билан ўз хусусиятини ўзгартириш ҳолатлари кузатилмоқда, бу эса сақлаш муддатини узайтириш бўйича изланишлар олиб борилиши кераклигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиёт:

1. Т.А.Фаниев. “Тўқимачилик саноатида меҳнат муҳофазаси” ТТЕСИ, 2013й